


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**
**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

		босқичларини такомиллаштириш	
22.	Манглиев Б., Юсупова Д.Т.	Инновацион фаолликни ошириш механизмларини такомиллаштириш	107
23.	Мўминов Ж.	Ёғ-мой саноатини модернизациялаш ва инвестициялар жалб этиш самарадорлиги	109
24.	Мўминова Д.Д.	Рақамли иқтисодиётда бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонлари	112
25.	Нурматов Д.Н.	Особенности функционирования промышленных предприятий в условиях цифровой экономики	115
26.	Нуримбетов Р.И., Ҳасанов Т. А.	Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги бошқарувини рақамлаштириш масалалари	118
27.	Пардабаева С.Т.	Корпоратив бошқарув тизимидағи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	121
28.	Рашидов Ж. Х.	Бошқарув тизимида рақамли технологияларни жорий қилишнинг самарадорлиги	123
29.	Рашидов Ж. Х. Турсунов Ш.И.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш муаммолари	126
30.	Тиллаев И. Ж., Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион лойиҳаларни бошқариш аҳамияти	129
31.	Тиллаев И. Ж., Ходжамуратова Г.Ю.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш босқичларини такомиллаштириш йўллари	131
32.	Темиров А.А. Махмудов С.Б.	Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари	134
33.	Тўғонов И., Юсупова Д.Т.	Рақобатбардошликнинг иқтисодий моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар	137
34.	Tursunov B.O	Aspects of financial security management of industrial enterprises under conditions of global economic crisis	140
35.	Турсунова З.Р., Йўлдошев Н.Қ.	Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни стратегияси ва тактикаси	145
36.	Umurova M.A., Xodjamuratova G. Y.	Raqamli iqtisodiyotda zamonaviy korxonalarda boshqaruv jarayonini tashkil etishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish istiqbollari	146
37.	Умарходжаева М.Г.,	Факторы, формирующие конкурентные	149

		фаолиятини такомиллаштириш	
87.	Умарходжаева М.Г., Кахрамонов С.	Основные тенденции совершенствования корпоративного управления в узбекистане	310
88.	Мамадияров З.Т., Мамаражабов Ж.Т.	Рақамли иқтисодиёт шароитида масофавий банк хизматларининг аҳамияти	313
89.	Махмудов Т. О.	Рақамли иқтисодиёт шароитида мода индустриясида бренд бошқаришни аҳамияти	315
90.	Мирзаев С. А.	Рақамли иқтисодиёт ва ЛТ тизими	318
91.	Мирзоев Х.Х.	Корхона айланма қапиталини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари	320
92.	Набиджонов О.О.	Мажбурий тиббий сұғурта турини ўзбекистон республикасида такомиллаштириш	322
93.	Наимов Ш.Ш.	Давлат қарзларининг функциялари	325
94.	Урмонов Н.Т. Наимов Ш.Ш.	Давлат қарзи ва унинг макроиқтисодий барқарорликка таъсири	328
95.	Норов А.Р.	Банк тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	331
96.	Норчаев А.Н.	Туризмда рақамли инновацион-технологияларни қўллаш йўналишлари	333
97.	Обидов С.М.	Автомобилсозлик корхоналарида инновацион бошқаришни шакллантиришда ходимларни рағбатлантиришнинг аҳамияти	336
98.	Пўлатов М	Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришда рақамли технологияларнинг аҳамияти	340
99.	Розиков А.Э.	корхона фаолиятини ташкил этишда инновацион бошқарув асосларини тадбик этишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари	343
100.	Розиков С.Ф., Шоназарова Г.Б.	Махсулот сифатини бошқаришда халқаро стандартларнинг ўрни	346
101.	Sottorov Sh.U.	Real sektor tarmoqlarida raqamli iqtisodiyotning roli	350
102.	Махмудов Т. О.	Мамлакатимизда мода индустриясини ривожлантиришда брэндинг имкониятларидан фойдаланиш	352
103.	Турсунов Ш.И., Рашидов Ж.Х.	Корхоналарда ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий мотивлари	354
104.	Турсунова З.Р., Йўлдошев Н.Қ.	Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни стратегияси ва тактикаси	357
105.	Usmonov Ch.B.,	Hotel business as a component of the modern	359

		бошқарув механизмларидан фойдаланишни такомиллаштириш	
155.	Шермухамедов А.К.	Цели и задачи экспортной политики в республике Узбекистан	492
156.	Эльбусинова У.Х. С.Т.Турғунбоев	Тижорат банклари кредит операцияларини бошқаришда банк инфратузилмасининг ўрни	495
157.	Эльбусинова У.Х. Мадумаров Ж.К.	Ўзбекистон тўлов тизимини бошқаришда марказий банкнинг ўрни	497
158.	Xo'jamurodov A.J. Esanov S.F.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiya faoliyatida davlat ishtirokini tartibga solishning metodologik asoslari	500

**5-ШЎЬБА. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ**

159.	Абдужапарова Н.Т.	Темир йўл транспорти тизимида молиявий бошқарув муаммолари ва ечимлари	504
161	Жураев Ш.Ж.	Нефт ва газ компаниялари самарадорлигини корпоратив бошқарув тизими	506
162	А.Р. Исмаилов	Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув институтционал жиҳатларини такомиллаштириш	508
163	Карлибаева Р.Х.	Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	511
164	Рашидов Ж.Х. Шермухамедов А.К.	Необходимость цифровой оценки акций компаний в пандемическом состоянии	517
165	Махмудов С.Б. Икрамов А.И.	Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда раҷамли иқтисодиётнинг ўрни	519
166	Ташмухамедова К.С. Нигматжонов Д.Ғ.	Некоторые аспекты качества корпоративного управления в цифровой экономике.	522
167	Ташпулатов Г.Т.	Пандемия шароитида компания акциялари қиймати баҳоланишини рақамлаштиришнинг зарурати	524
168	Темиров А.А. Шахобиддинов Н.З.	Корхонанинг молиявий ресурсларга эҳтиёжини таъминлаш истиқболлари	527
169	Хидирова М.Р.	Раҷамли иқтисодиётда корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш	529
170	Хомитов К.З.	Гаров обьекти ва мулк қийматини баҳоловчилар фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни такомиллаштириш	531
171	Shukurov S.I.	The importance of Household Banking and Digital economy in Low-trust Nations	534
172	Yakubova S.S.	Corporate governance in public-private	536

корхона бутун фаолиятида эришган унумдорлик кўрсаткичларида намоён бўлади. Самарадорлик унумдорлик кўрсаткичи сифатида натижа билан харажатнинг ўзаро ўлчамли бўлишини талаб қиласди[5].

Бозор иқтисодиёти шароитида “самарадорлик” тушунчалик, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмаса-да, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қарагандага кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани, ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишиларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

Бозор шароитлари тегишли кўрсаткичлар ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланиши мезонларининг ишлаб чиқилишини талаб қиласди. Бир неча базавий кўрсаткичлар мезонларини киритиш эҳтиёжи туғилади, улар асосида бошқарув тизими натижавийлиги баҳоланиши амалга оширилади, функционал тизимостилар ва бошқарув даражалари бўйича самарадорлик баҳоланиши талаб қилинади.

*Ж.Х. Рашидов, и.ф.н, доцент,
ТДИУ*

БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Бугунги кунда мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини нақадар тўғри танлаганлиги ислоҳотларнинг изчил кечеётганлигига, ҳар бир ўзгариш аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, мукаммал ишланган дастурлар асосида амалга оширилаётганлигига ўз ифодасини топмоқда.

Ўтган давр мобайнидаги тажрибалар шундан далолат берадики, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, унинг бошқарув тизими, фаолият юритаётган бошқарув ходимларининг раҳбарлик қобилияти ва уларнинг тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Раҳбар ходимлар иш самарадорлигини ошириш учун бошқарув жараёнида раҷамли технологиялардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Бошқарув тизимидаги раҷамли технологияларни қўллаш, бугунги кунда ҳар бир раҳбар ходимнинг муҳим ва устувор вазифаларига айланган. Бу борада республика Президенти Ш.Мирзиёев шундай дейди: “Албатта, раҷамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришмасиз? Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис раҷамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”[2].

Республикамизда раҷамли иқтисодиёт инфратузилмаларини модернизация қилиш, бошқарув тизимига раҷамли иқтисодиётни жорий қилиш

ва ривожлантириш борасида бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда 2023 йилга келиб, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга қўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишида дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат тизими инфратузилмаларини ривожантириш ва модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4321-сонли, 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли ва 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимиз давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт тизимини қўллашни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сонли фармони қабул қилинди.

Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва «ақлли» бошқарув принципларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва «ақлли» бошқарув принципларини босқичма-босқич жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 959-сонли қарори қабул қилинди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 622-сонли қарори қабул қилинди.

Юқорида келтирилган меърий-хуқуқий хужжатлар мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни, бошқарув тизимига рақамли технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий асоси бўлиб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасига таъкидлаганидек, “Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиласидиган энг оғир иллат – коррупцияни йўқотишда ҳам улар самарали воситадир”[2].

Бошқарув тизимида рақамли технологияларни жорий этиш унинг самарадорлигини ошириб, қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- корхонада бошқарув обьектлари билан бошқарув субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинув жараёнларини тезлаштиради;
- ишлаб чиқилган бошқарув қарорларини, вазифа ва топшириқларни қуий буғинга тезкор етказилиши ҳисобига унинг ўз вақтида ижросини таъминлашга ёрдам беради;
- бошқарув процедуралари ва бошқарув операцияларининг тезкор бажарилишига хизмат қиласиди;
- ходимлар фаолиятининг оператив назоратини амалга оширишга ёрдам беради;
- корхонадаги бўлаётган жараёнларни мунтазам таҳлил қилиб бориши, вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни ҳал этишни енгиллаштиради;
- глобал тармоқ орқали корхона ва унинг фаолиятига тегишли ахборотларни, жумладан, тезкор маълумотларни, қабул қилинган қонун ва қонунисти ҳужжатларни ўз вақтида олиш ва улардан доимий хабардор бўлиб боришига ёрдам беради;
- хомашё ва бутловчи материаллар таъминотчилари ҳамда буюртмачи ташкилотлар билан турли иш ва хизматлар борасидаги ўзаро ҳисобкитобларни амалга оширишда қулайликларни вужудга келтиради;
- статистика ва солик идораларига ҳисботлар топшириш ва маълумотлар етказишни енгиллаштиради;
- молия-кредит муассасалари билан алоқалар ўрнатишга қулайликлар яратади;
- яратилган маълумотларнинг электрон базаларидан тезкор фойдаланишига имконият беради;
- тезкор ахборот алмашинувини амалга ошириш ҳисобига ортиқча мажлислар ўтказишни камайтириш, ташкилий ишларни енгиллаштириш, ортиқча жараёнларни камайтириш ҳисобига ва раҳбар ходимларининг вақтдан самарали фойдаланишига ёрдам беради.

Хуноса қилиб айтганда, республикамиздаги корхона ва ташкилотларнинг бошқарув тизимида рақамли технологияларни қўллаш, бошқарув жараёнини енгиллаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

**Ж.Х.Рашидов, и.ф.н, доцент,
Ш.И. Турсунов, магистрант,
ТДИУ**

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва етакчи мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартериш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, инновацион технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишини таъминлаш талаб этилмоқда.

Хозирда тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун, аввало, илфор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалишнинг энг қисқа йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводҳонликни узлуксиз равишда ошириб боришимиз зарур. Илму маърифатнинг натижадорлик кўрсаткичларига бевосита таъсир қилувчи кўп сонли технологиялардан асосийси рақамли иқтисодиёт технологиялари ҳисобланади[2].

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш дастурлари доирасида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор иқтисодий ўсишига эришилмоқда. Бу борада корхоналарни диверсификациялаш ва инновацион технологияларни жорий қилиш билан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастури”да “таркибий ўзгартеришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” масалалари белгилаб берилган[1]. Бу ўз навбатида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради.

Иқтисодий атамашуносликда “диверсификациялаш” – ишлаб чиқаришда янги йўналишларни очиш ёки маҳсулотнинг янги турларини яратиш билан боғлиқ жараён сифатида талқин қилинади. Яъни диверсификациялаш бир-бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш турларининг бир вақтда ривожланиши ва маҳсулот турларининг кўпайишидир.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бир ёки бир неча турдаги турдош маҳсулотни ишлаб чиқарishга таянган ишлаб чиқариш тузилмасидан бир неча

йўналишни ўз ичига қамраб олган, кенг турдаги ишлаб чиқариш тузилмасига ўтишни билдиради.

Бунга бир томондан, диверсификациялашга янги соҳаларни ўзлаштириш орқали корхонани ривожлантириш усули сифатида қаралса, иккинчи томондан, янги технологияларни жорий қилиш, янги бозорларни ўзлаштириш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни сифатида ҳам қаралади. Бу тадбирлар барчаси, ўз навбатида, инвестицияларни талаб этади. Демак, диверсификациялаш корхона стратегиясини ўзгартириш ва унга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида юзага чиқади.

Диверсификация маҳсулот турларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ бўлган ва бўлмаган турларини ривожлантириш билан боғлиқ фаолият сифатида корхонанинг келажакдаги юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларини камайтиришга ёрдам беради. Фаолиятнинг бир тури бўйича зарар кўрадиган корхона бошқа фаолият соҳаси ҳисобига даромад олиши мумкин бўдади. Диверсификация ташқи муҳитдаги ўзгаришларга нисбатан корхонанинг барқарорлигини ошириш имконини беради.

Корхонада ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий ғояси шундан иборатки, агар бизнес йўналишларидан бири зарар кўрса, корхона бошқа соҳадаги муваффақиятли натижалар туфайли зарар кўрмаслиги мумкин бўлади. Бу ўз, навбатида, корхонанинг банкрот ҳолатига тушиш хавфини сезиларли даражада камайтиради ва мавқени мустаҳкамлайди ҳамда янги мижозлар ва инвесторларни жалб қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда унинг шаклини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг қўйидаги мудофаа ёки ҳужумкор характерга эга шакллари мавжуд:

Биринчи шакли янги бозорларни тезда эгаллашга қаратилган “кенгайтириш” деб номланади. Бу тезкор натижаларга олиб келадиган агрессив ҳужумкор стратегиядир. Унинг моҳияти бир корхонанинг бошқаси томонидан қўшиб олинишидир. Ушбу принципга кўра, қўпинча маълум бир маҳсулотнинг тўлиқ ишлаб чиқариш даврини ташкил этадиган корхоналарни бирлаштиришга интиладиган йирик холдинглар фаолият юритади.

Иккинчи шакли “алмаштириш” деб номланади ва мудофаа стратегияси ҳисобланади. Бу англатадики, корхона шунчаки рақобатга бардош бермаган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлайди ва ўрнига янги товарларни ишлаб чиқаришни таклиф қиласди.

Учинчи шакли “тарқатиш” бўлиб, бу ҳужумкор характерга эга. Бу корхонанинг турли хил мақсадли гуруҳларга йўналтирилган янги маҳсулотлар билан муваффақиятли фаолият олиб борадиган бозорни тўлдиришни бошлаганлигини англатади.

Тўртинчи шакли – “тўхтатиш” юқори мудофаа стратегиясини англатади.

Ушбу шакл корхонанинг норентабелли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан бутунлай воз кечиши ва бўшаган қувватларни янада муваффақиятли фаолият соҳаларига ўтказишни англатади.

Умуман олганда, диверсификация корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, бунда асосий эътибор қўйидагиларга қаратилади:

- корхонанинг диққат марказини қайта тақсимлаш;
- товарлар тури ва ассортиментини кўпайтириш;
- янги бозорларни ўзлаштириш;
- замонавий технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришнинг инновацион усусларини қўллаш;
- фойдани ошириш;
- банкротликнинг олдини олиш.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш корхона учун бир қатор афзалликларни вужудга келтириб, булар қўйидагилардан иборат:

- самарасиз бўлган соҳадаги фаолиятни ўз вақтида тўхтатиш имконияти бўлади;
- фақат биргина соҳа, фаолият ва маҳсулот тури ҳамда бозорга боғланиб қолишиликни камайтиради;
- бозорнинг кенгайишига олиб келади;
- кредитга тўлов қобилиятининг ошишини таъминлайди;
- турли хатарларни қайта тақсимлаш имконини беради.

Албатта, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш маълум ресурсларга ҳам эга бўлишиликни тақозо этади. Булалар қўйидагилар:

- моддий-техника ресурслари;
- меҳнат ресурслари, яъни малакали ходимлар (зарур ҳолларда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш);
- янги технологияларни жорий этиш;
- молиявий ресурслар.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда инновация менежери муҳим вазифани бажаради. У хўжалик фаолиятининг характеристи ва бошқариш шакллари ҳар хил бўлган фан, ишлаб чиқариш, инвестиция, маҳсулотларни сотиши каби тармоқларни бир-бири билан боғлайди. Узоқ ва қисқа муддатли дастурларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашни, яъни бозорда мақсадга мувофиқ бўлган ўз усулини аниқлаш, инновация салоҳиятидан олинадиган самарани ошириш учун, янги товарларни, хизмат кўрсатишни қанча миқдорда ишлаб чиқиши, модернизацияни амалга ошириш учун қандай маҳсулотлар кераклигини аниқлаб беради. Шунингдек, корхонанинг аниқ инновация мақсади, менежментнинг иқтисодий механизми, турли тамойил ва усусларини қўллаган ҳолда илм-фан ютуқларидан, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш билан юқори натижаларга эришишга асосий эътиборни қаратади[3].

Хулоса қилиб айтганда, корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялаш ва инновацион технологияларни қўллаш корхонанинг техник ва технологик жиҳатдан ривожланишига, молиявий ва иқтисодий имкониятларининг кенгайишига, барқарорлигининг ошишига олиб келади.

учун уларни ўзгартиришга, даромад учун индивидуал қирраларни ўзгартирасликни текширишга, зарур бўлганда брендни бошқаришнинг режасини тузишга масъул бўлган ходимларни тушуниш мумкин.[4]

Харидор товарнинг техник ва иқтисодий параметрларини ўзаро бир хил деб хисоблаганда, ўзи билган бренддаги маҳсулотни харид қиласди. Бренднинг рақобатбардошлигини муайян вақт мобайнида истеъмолчи онгига шаклланиб бошқа брендлар билан рақобатлашишига қодирлиги сифатида белгилаш мумкин. Шунинг учун рақобатбардошлилик нисбий катталик эканлигини назарда тутиш зарур.

Мамлакатда кийим-кечакнинг асосий истеъмолчиларини 16-35 ёшдагилар ташкил этади. Улар одатда машхур ишлаб чиқарувчиларнинг, мода маҳсулотларини сотиб олишга ҳаракат қиласди. Аммо импорт ҳисобига бу эҳтиёжларни қондириш мақсадга мувофиқ келмайди. Бир хил бичимдаги кийим-кечак ишлаб чиқариш кам учрайдиган ҳолат бўлиб, уларнинг асосий истеъмолчилари бўлган ривожланган мамлакатларда мода ўзгаришининг 6-8 мавсуми табиий ҳол бўлиб қолмоқда. Албатта, бичими секин ўзгарувчи кийим-кечаклар ҳам мавжуд, лекин бундай кийимлар бозори кескин рақобат шароитларида бўлади.

Тўқимачилик корхоналари бутун тармоқ ўсишининг макони сифатида қаралиши лозим, чунки бу корхоналар рақобатдаги афзалликларга эга ва қўп капитал сарф қилмасдан етарлича иш ўринларини яратиши мумкин. Бу сектордаги менежментни яхшилаш ва ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш асосида инвестицияларсиз бир неча йилда унумдорлик сезиларли равишда оширилиши мумкин.

Хулоса ўрида таъкидлаш мумкинки, ҳозирги шарт-шароит ва талабдан келиб чиқиб, маҳаллий тикув-трикотаж маҳсулотларни ички бозорда сотиши, сўнгра экспортга чиқариш учун маҳсулот, истеъмолчиларни яшаш тарзи дид истаклари, ижтимоий мавқенини тадқиқ қилиш зарур. Аҳоли эҳтиёжини ўрганиб, одамлар мавсумга қараб қандай кийим-кечак кийишлари, маҳсулотларимизга брэнд, марка бериш ҳамда бу брэндларни оммавий ахборот воситалари орқали ахолига танитиш лозим. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналар фаолиятида инновацион маркетинг стратегияларини қўллаш ва уларнинг фаолиятида мода-дизайн хизматлари жорий қилиш, веб-тармоқларини яратиш орқали истеъмолчиларни ўзига жалб қилиш ҳамда брендга содиклигини ошириш имкониятига эга бўламиз.

*Ш.И. Турсунов, магистрант,
Илмий раҳбар – доцент Ж.Х. Рашидов,
ТДИУ*

КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ МОТИВЛАРИ

Маълумки, ҳозирги даврда жаҳонда мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати ва барқарорлиги, ривожланганлик даражаси, илм-фан, маданият,

таълим ва бошқа соҳаларда салоҳиятининг юксалаётганлиги бевосита юқори технологияларнинг иқтисодиёт тармоқларига қай даражада татбиқ этилганлиги билан ўлчамоқда. Бугунги қунда дунёда глобаллашув жараёни кечеётган, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юқори суръатларда юз берәётган шароитда мамлакатимиз корхоналарини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида унинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш ва тармоқни юқори погоналарга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Бу ўз навбатида, тармоқда техник ва технологик базани мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятни ошириш, самарали инновация лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида уни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда илм-фанны янада равнақ топтириш, ёшларимизни чукур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлиған ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз томонидан юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилди[2].

Ўзбекистон Республикасининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш” масалалари аниқ белгилаб берилган[1].

Маълумки, ишлаб чиқаришни диверсификациялашдан асосий мақсад ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган капиталнинг фойдалилигини ошириш, синергетик самарадан фойдаланишга интилиш, фаолиятни кам ҳаражат бўлган ва юқори даромадли соҳага айлантиришдан иборатdir. Диверсификация қилиш жараёнида энг қулай ва самарали бўлган тармоқ ҳамда ишлаб чиқаришга капиталнинг оқими амалга оширилади. Бунда муайян бозорда корхона қийинчиликка учраганда, бошқасида ёки бошқа тармоқда имконият юзага келиши билан капиталнинг трансформацияси ҳисобига корхона ўзининг ўқотишларини қоплаш ва таваккалчиликни камайтириш имконини қўлга киритади.

Ишлаб чиқаришини диверсификациялашга корхонани ундовчи ва ҳаракатга чорловчи қўйидаги бир қатор мотивлар бўлиши мумкин:

1. Техник ва технологик.
2. Иқтисодий.
3. Молиявий.
4. Ижтимоий.
5. Стратегик.

Техник ва технологик мотивлар бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш кувватларини тўлиқ юклаш ва ишлаб чиқариш потенциалини сақлаб қолишга

эришиш, хомашё ва технологиядан фойдаланишинг муқобил вариантларини топиш.

Иқтисодий мотивлар бўлиб, тармоқнинг нотекис ёки номутаносиб равиша ривожланиши, кескин рақобат мухитининг мавжудлиги, анъанавий соҳаларда капитални жамлаш ва инвестицияларни жалб қилишининг янги йўналишларини излаш, ишлаб чиқариш ва фаолият кўлами бўйича тежамкорликка эришиш, корхонанинг муайян бозорда ўз улушини кенгайтиришга ҳаракат қилиши ва иқтисодий барқарорликка эришиш.

Молиявий мотивлар бўлиб, корхонанинг фаолият йўналишида ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларида рентабеллик ёки фойда даражасининг турлича бўлиши, катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш ўртасида хатарларни тақсимлаш орқали молиявий таваккалчиликни камайтиришга эришиш, корхонанинг тўлов қобилиятини ошириш, фойда ва рентабелликни ошириш ҳисобига молиявий барқарорликка эришиш.

Ижтимоий мотивлар бўлиб, мавжуд салоҳиятли мутахассис ва ишчиларни сақлаб қолиш, янги иш ўринларини яратиш, корхонанинг ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини қондириш.

Стратегик мотивлар бўлиб, бозор шароитига ва унинг конъюнктурасига мослашиш, бозордаги турли хил тебранишларга мослашиш, янги соҳа ва тармоқларга кириб бориш, янги бозорларни ва янги сегментларни забт этиш, янги товар турларини ўзлаштириш, корхонанинг келажагини сұфурта қилиш, бирлашиш ва сотиб олиш, корхонанинг ҳозирги ва келажақдаги обрў - эътиборини ошириш ва бошқалар.

Секин ўсаётган тармоқ шароитида кучли компаниялар диверсияни бошлаш учун нақд пул ортиқчалигидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқишилари керак. Диверсияни бошлаш масаласи қисман компаниянинг мазкур тармоқда ўсиш имкониятларига, қисман унинг рақобат позицияларига боғлиқдир. Фирма ўзининг асосий устунликларидан самарали фойдалана оладиган соҳаларга диверсия қилиши энг яхши стратегия бўлиб ҳисобланади. Лекин фирма учун бутунлай янги бўлган тармоқларга диверсиялаш, турдош тармоқларнинг бирортасига ҳам ўсиш истиқболларини таъминлай олмай қолган тақдирда кўзда тутилиши керак. Шундай қилиб, «қачон диверсиялаш керак?» деган масалани ҳал этиш, бир томондан фирманинг бозордаги рақобат позициясига, бошқа томондан туб тармоқдаги қолган имкониятларига боғлиқдир[3].

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни диверсификациялашни самарали йўлга қўйиш маҳсулот ва хизматлар сифатининг такомиллаштирилишига ёрдам беради. Шунингдек ишлаб чиқарувчининг янги маҳсулот турларини ўзлаштириши билан бир қаторда уларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга интилиши, пировардида сифат даражаси ўсишига олиб келади. Бу эса мазкур маҳсулот ва хизматлар сотиш ҳажмининг кўпайиши билан бир қаторда уларни сотиш бозорларининг кенгайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш ўзаро боғлиқ жараёнлар

бўлиб, уларнинг уйғунлаштирган ҳолда амалга оширилиши корхонанинг техник ва технологик жиҳатдан ривожланишига, молиявий ва иқтисодий имкониятларининг кенгайишига, барқарорлигининг ошишига ёрдам беради.

*З.Р. Турсунова, магистр
Илмий раҳбар – проф. Йўлдошев Н.Қ., ТДИУ*

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ

Корхона фаолиятининг пировард натижалари қўп жиҳатдан уни ўраб турган шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари (ресурслар) ва уларни бирлаштириш, улар ёрдамида меҳнатни ташкил этиш ҳар доим ҳал қилувчи аҳмиятга эга бўлади. Шунинг учун корхона фаолиятини фақат ички ва ташки шароитларга ва ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлаб қўйиш тўғри бўлмайди. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида бир қанча бозор муаммолари пайдо бўлади: мулк шакллари, баҳони белгилаш, фойда олишнинг осон йўлларини топиш, рақобат шароитидан чиқиб кетиш ва бошқалар.

Хомашё ресурслари ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементи сифатида корхона ишлаб чиқаришига ва иқтисодига катта таъсир қўрсатади. Материал қўп сарфланадиган тармоқларда, ҳусусан, тикувчилик корхоналарида, хомашё ва материаллардан оқилона фойдаланиши маҳсулот таннархини пасайтиришининг асосий манбаидир. Тикувчилик саноатида хомашёдан унумли фойдаланиш мақсадида рационал бичишининг жуда қўп математик усулларидан фойдаланилади. Улар орқали чиқиндилар миқдорини камайтиришига эришилади. Иккинчи йўли эса, иложи борича чиқсан чиқиндилардан унумли фойдаланишдир.

Ишлаб чиқариш ресурсларининг иккинчи тури-меҳнат ресурслари ва меҳнат потенциалидир. Меҳнат потенциали – бу, меҳнат захираси ёки имкониятидир. Унга меҳнат ресурсларининг умумий сони ва таркиби, маълумот даражаси, профессионал кўнинмаси ва ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида меҳнат қилиш қобилияти акс этади.

Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиши бу раҳбар кадрларнинг етуклигига, билим ва илмнинг даражасига, иш малакаси ҳамда ташкилотчилик қобилиятидан тўлиқ фойдаланишига уларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиши ва тарбиялашдан иборатдир.

Республикада бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларига бир қатор янги талаблар юзага келди. Улар орасида энг муҳимлари қўйидагилар: ижтимоий-психологик диагностика; кадрларни бошқариш тизимини ахборот билан таъминлаш; бандликни бошқариш; зарур бўлган лавозимларга номзодлар танлаш; кадрлар салоҳияти ва ходимларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил этиш; кадрлар маркетингини белгилаш; хизмат мартабасини режалаштириш ва

*Ж.Х. Рашидов, доцент,
А.К. Шермухамедов, ассистент,
ТГЭУ*

НЕОБХОДИМОСТЬ ЦИФРОВОЙ ОЦЕНКИ АКЦИЙ КОМПАНИИ В ПАНДЕМИЧЕСКОМ СОСТОЯНИИ

В последние годы была проделана значительная работа по реформированию экономики, защите частной собственности, обеспечению интересов и прав акционеров, привлечению внутренних и иностранных инвестиций в экономику, справедливой оценке компаний и их акций и улучшению их управления путем внедрения современных методов. В то же время в современной экономике вопрос оцифровки акций в системе корпоративного управления посредством вовлечения цифровых технологий в справедливую оценку акций является сегодня актуальной проблемой.

В связи с этим в нашей стране создается справедливый правовой механизм. В частности, Указ Президента Республики Узбекистан от 24 апреля 2015 года № ПФ-4720 «О мерах по внедрению современного корпоративного управления в акционерных обществах» от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» Внедрение в Указы современных моделей корпоративного управления и международных стандартов финансовой отчетности, усиление роли акционеров в стратегическом управлении предприятиями (третий приоритет, пункт 3.4, пункт 5), УП-4381 Решение от 1 июля 2019 года, и развитие оценочной деятельности в контексте ПФ-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в год науки, просвещения и цифровой экономики» было справедливым и законным.

В частности, последний указ (пункт 153 раздела 3.15, приложенный к указу) устанавливает конкретные задачи для развития оценочной деятельности, а задача оцифровки заключается в разработке национальной программы «Цифровой Узбекистан - 2030» в разделе 3.14 (пункт 138 приложения к указу). был определен в реализации.

Оцифровка подтверждает, что это явный стимул для развития глобальной экономики, которая может эффективно решать производственные и социальные проблемы, значительно улучшая качество систем государственного управления.

В нынешнем состоянии экономической нестабильности оценка акций компаний играет важную роль в принятии инвестиционных и управленческих решений в системе корпоративного управления. В условиях сегодняшней пандемии рыночная стоимость акций ведущих мировых компаний значительно снизилась. В частности, Microsoft остается одним из четырех столпов рынка высоких технологий с рыночной капитализацией 1 трлн. доллар США. Хотя акции компании упали на 28 % в последние недели марта этого года, они упали

до 1,04 трлн. доллар США. В связи с этим экономические показатели Apple еще ниже.

В марте акции Apple были оценены в 1 триллион долларов впервые с сентября 2019 года. Произошло снижение курса доллара США. Рекордная стоимость акций корпорации произошла 20 декабря 2010 года и составила 327,20 трлн. Таким образом, снижение капитализации корпорации составляет 468 миллиардов долларов.

Другие игроки на рынке технологий, такие как Facebook, Alphabet и Amazon, также понесли серьезные потери. В Alphabet Holdings произошло снижение на 34 %, поэтому его капитализация в настоящее время составляет 700 миллиардов долларов, а акции Amazon также упали на 14 % с февральского максимума в 3,1 %. Рыночная капитализация компании составляет 924 миллиарда долларов.

По данным CNBC, пять ведущих компаний теряли 416,63 млрд. долларов в день из-за эпидемии коронавируса и экономической нестабильности. Так, в первой половине марта акции компаний упали до рекордно низкого уровня, в том числе стоимость акций Apple – на 9,88 %, акций Amazon – на 7,98 %, акций Alphabet - на 8,2 %, Акции Microsoft упали на 9,48 %, а акции Facebook упали на 9,30%.

В феврале этого года фондовый индекс достиг самого высокого уровня среди 500 компаний с самым высоким уровнем капитализации в индексе S & P. Предыдущим минимумом был «Черный понедельник» в 1987 году, когда индекс Dow Jones Industrial Average упал с 2352,60 до 21200,62 или 10 %, а S & P 500 упал на 9,5 %.

Сегодня, хотя существует методологическая основа для оценки и управления рыночной стоимостью акций акционерных обществ, работа по оцифровке оценки акций компании остается слабой. Это мешает компаниям получать достоверную информацию о стоимости их акций в нынешних условиях экономической нестабильности. Однако в мировой практике финансового управления справедливая стоимость акций служит важным критерием.

Внедрение цифровых технологий при оценке акций в условиях пандемии уменьшит финансовую и административную нагрузку на государство, компании и граждан, позволит получить доступ к базе данных в режиме реального времени, содержащей новейшую информацию о владении финансовыми, физическими или электронными активами. Это важно при принятии обоснованных управлеченческих решений в системе корпоративного управления. Одна из этих технологий – цепочка блоковых блоков транзакций.

Блокчейн – это цепочка блоков транзакций, выполненных по определенным правилам. Идея технологии блокчейн заключается в том, что это огромная распределенная база данных, которая работает без централизованного управления. Кроме того, любой оценщик может сохранить копию блокчейна в качестве участника блокчейна, которая автоматически обновляется при каждой

новой транзакции (услуга оценки). Безопасность и точность данных обеспечивается математическими методами, особенно криптографическими.

Можно сказать, что использование технологии блокчейна, услуг цифрового правительства и оценки электронной подписи имеет важное значение для оценки стоимости акций. Это связано с тем, что блокчейн позволяет нам собирать всю информацию об объекте оценки, то есть об акциях и компаниях, включая подходы к оценке (выручка, сравнительная оценка и стоимость) и соответствующую базу данных.

В настоящее время важно сделать следующее при оцифровке оценки акций компаний:

1. Пандемия и вызванный ею экономический кризис резко сократили размер рынка оценочных услуг, что увеличило необходимость оцифровки оценочной деятельности.

2. Чтобы сделать надежные выводы о стоимости акций, оценщикам следует рассмотреть возможность использования нескольких подходов и методов в цифровом формате, когда фактических или наблюдаемых исходных данных будет недостаточно для одного метода. Если в рамках одного подхода используются несколько подходов и методов или даже несколько методов, результаты независимой оценки должны быть логичными и разумными, а процесс анализа и координации результатов, полученных с помощью различных методов, должен быть ясным.

3. Оценщик не должен применять докризисные критерии при оценке стоимости акций, так как этот подход приводит к ошибочному выводу о том, что стоимость возвращается к докризисным уровням.

4. Необходимым условием обеспечения профессиональной безопасности оценщика является постоянный анализ текущих рыночных данных и применение рекомендаций по позициям профессиональных ассоциаций оценщиков и ведущих международных консалтинговых компаний по бухгалтерскому учету, а также оценка пандемии.

В заключение следует отметить, что оцифровка стоимости акций компаний в настоящее время помогает улучшить качество корпоративного управления и финансового управления, инвестиционной привлекательности и эффективного принятия инвестиционных решений.

*С.Б. Махмудов, тадқиқотчи,
А.И. Икрамов, талаба,
ТДИУ*

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ**

Бугунги кунда иқтисодиётнинг раҷамли секторини ривожлантириш масаласи Ўзбекистонда давлат даражасига кўтарилиган бўлиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳужжат